

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ,
РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТАРТИБИ

70310301 – Психология мутахассислиги бўйича тайёрланаётган
магистратура талабалари учун услубий қўлланма

Гулистон - 2024

Мазкур услубий кўлланма олий таълим муассасаларида магистрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мута-хассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқ-ларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарорларига, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сен-тябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 190-сон ва 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 36-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Унда магистрлик диссертациясининг тузилиши ва мазмунига кўйиладиган талаблар, дастлабки ва расмий ҳимояни ўтказиш тартиби келтирилган.

ИРИШ

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ривожланган давлатлар даражасига кўтариш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш ҳисобланади.

Таълимнинг амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида, олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари кесимида рўйхати тизимлаштирилган ҳолда келтирилган, олий таълимнинг давлат таълим стандарти - муайян таълим соҳасига (соҳа таркибига) қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, битирувчилар умумий тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон даражаси ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилиб борилмоқда.

Хусусан, магистратурада таълим жараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (36-сон) қарори билан тасдиқланган “Магистратура тўғрисидаги Низом”га мувофиқ, магистрлар тайёр-лашга қўйиладиган талаблар доирасида олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган давлат таълим стандартлари, магистратура мутахассисликлари малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларига асосан ташкил этилмоқда. Магистр 2 йиллик таълим жараёни давомида магистрлик диссертациясини тайёрлайди, расмийлаштиради ва ҳимоя қилади. Шу боис ҳам магистрнинг яқунловчи илмий иши ҳисобланмиш магистрлик диссертация сини сифатли тайёрлаш ва илмий савиясини янада ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ушбу услубий қўлланма 230 000 – “Иқтисод” таълим соҳаси таълим йўналишлари негизида тайёрланаётган магистратура мутахассисликлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, у магистрлик диссертацияларининг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талабларни мувофиқлаштириш, уларнинг дастлабки ва расмий ҳимоялари самарали ташкил этилишига хизмат қилади.

I. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР ВА УНИ ТАЙЁРЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

1.1. Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар

“Магистр” - (лотинча, magister) моҳиятан “ўз ишининг устаси” маъносини англатади. Қадимги Римда магистр юқори лавозимли шахс бўлса, Византияда эса, магистр - олий табақадаги хизматчиларнинг энг юқори даражаси ҳисобланган. Кейинги давр-ларда “магистр” тушунчаси, масалан, Европа университетлари фалсафа факультетларида, илмий даража сифатида қўлланилган. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистр бакалавр даражасидан кейинги олий таълим босқичи ҳисобланади. Хусусан, магистр академик даражасига эга бўлган шахс сифатида илмий-тадқиқот услубиёти, илмий ахборотларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича замонавий технологияларни билладиган, чуқур билимли, иқтидорли, рақобатбардош даражадаги касбий кўникмага эга бўлган мутахассисдир. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида талаба:

- илмий изланишлар олиб бориши, касбий муаммоларни кўра олиши ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўлларини ўрганиши;
- ўқув-тадқиқот давомида олинган ахборотларни матн, жадвал ёки тасвирлар (чизма, расм) шаклида мужассамлантира олиши;
- танланган мавзунинг долзарблигини асослаши;
- соҳа бўйича ечилаётган илмий масала-муаммоларни таҳлил қилиши;
- қўйилган масалани ечиш услубларини кўриб чиқиши ва энг самаралисини аниқлаши;
- энг самарали муқобил ечимни илмий жиҳатдан асослаб бериши;
- илмий масала ечимининг натижалари бўйича хулоса ва таклифларни шакллантириши ҳамда иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларида қўллаш имкониятларини аниқлаши лозим.

1.2. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида магистрлар тайёрлашни ташкил этиш босқичлари ва бажариш муддатлари “Магистратура тўғрисидаги Низом”да аниқ белгилаб қўйилган. Мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган магистрлар тайёрлашни ташкил этиш схемасининг V-VI ва VIII босқичларида магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар ва уни тайёрлаш қуйидагилардан иборат:

- магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳ-барни тайинлаш (биринчи ўқув йилининг биринчи икки ойи давомида);
- магистрлик диссертациясини тайёрлаш (магистратура талабасининг календарь иш режаси бўйича);

- магистрлик диссертациясининг дастлабки ва расмий ҳимояси (жадвал асосида) мантиқий кетма-кетликда амалга оширилиши қатъий белгиланган.

1.3. Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш

Магистрлик диссертацияси ўқиш ва ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида магистратура талабаси эгаллаган назарий-амалий билимлари асосида бажарилган илмий-тадқиқот ишлари-нинг натижаси ҳисобланади.

Магистрлик диссертацияларининг мавзулари долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифаларни ҳал этишга бағишланишидан келиб чиқиб, институтнинг тегишли мутахас-сислик кафедраси педагог ходимлари томонидан Ўзбекистон Рес-публикаси Фанлар академияси илмий муассасалари, тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда шакллантирилади.

Магистрлик диссертациясига институт профессор(фан док-тор)лари, доцент(фан номзод)лари, Ўзбекистон Республикаси Фан-лар академияси илмий муассасалари олимлари, ташкилотларнинг юқори малакали ва тажрибали мутахассислари, шунингдек, белги-ланган тартибда магистрлик, илмий даражалар ёки илмий унвон-ларга эга бўлган хорижий мутахассислар илмий раҳбарликни амалга оширади. Магистратура талабасига институтда асосий штат бирлигида ишламайдиган ходимлар таркибидан илмий раҳбар тайинланганда, кўшимча равишда тегишли мутахассислик кафедраси педагог-ходимлари таркибидан илмий маслаҳатчи тайинланади. Мутахассислик кафедраси тақдим этган ва магистратура бў-лими кенгаши томонидан тавсия этилган магистратура талаба-ларининг магистрлик диссертациялари мавзулари ва уларнинг илмий раҳбарлари (илмий маслаҳатчилари) илмий ишлар бўйича проректор тақдимномасига асосан магистратура талабалари ўқиёт-ган биринчи ўқув йилининг биринчи икки ойи давомида институт ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Магистрлик диссертацияси магистратура талабаси ўқиган таълим тилида (илмий ишлар бўйича проректор розилиги асосида хорижий тилда ҳам) тайёрланади. Хорижий тилда тайёрланган магистрлик диссертациясига давлат тилида ёзилган аннотация ило-ва этилади. Магистрлик диссертацияси мустақил бажарилиши талаб этилади. Уни бажаришда талабадан касб одоб-ахлоқи қоидаларига қатъий риоя этиши (плагиат, статистик ва бошқа маълумотларни сохталаштириш, шунингдек, ёлғон цитаталар келтиришга йўл қўй-маслиги) талаб этилади. Илмий раҳбарнинг мажбуриятларига қуйидагилар кирди:

- тадқиқот мавзуси доирасида юзага келиши мумкин бўлган масалалар бўйича тизимли равишда ёрдам бериш мақсадида мас-лаҳатлар жадвалини тузиш;

- тадқиқот усулларини танлашда иштирок этиш ва уларни тадқиқот ишида қўллашда магистратура талабасига кўмаклашиш;
- магистратура талабасининг белгиланган календарь иш режаси бўйича ишларнинг бажарилишини ва магистрлик диссертацияси ўз вақтида тайёрланишини назорат қилиш;
- дастлабки ҳимоягача магистрлик диссертациясига хулоса бериш.

Юқоридагилар асосида тегишли кафедра мудири ва илмий раҳбари зиммасига аниқ масъулиятлар юклатилган. Магистрлик диссертациясини бажариш доирасида белгиланган талабларга мувофиқ, магистрга тайинланган илмий маслаҳатчига ҳам илмий раҳбар билан бир хил масъулият юклатилади.

Юқори савияда ва сифатли бажарилган магистрлик диссертациялари турли танловларда иштирок этиши ҳолатларида ундан нусха кўчирилиши мумкин.

1.4. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва унинг таркибий қисмлари ҳамда уларни расмийлаштириш юзасидан қўйиладиган талаблар

Институтда магистрлик диссертациясини тайёрлаш магистратура талабасининг календарь иш режаси 5 да белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши (лойиҳа-режаси) тегишли мутахассислик кафедрасида муҳокамасидан ўтказилади. Диссертациянинг тегишли боб ва қисмлари кесимида тадқиқ этилаётган муаммо ва унинг назарий-амалий ечимлари ман-балар асосида мантикий кетма-кетликда асосли ёритилиши якуний хулоса ва тавсиялари мазмунининг ўзаро мантиқан яхлитлигини таъминлашга қаратилиши муҳим ҳисобланади. Хусусан, магистрлик диссертациянинг таркиби қуйидагича бўлади:

- титул варақ (1-илова);
- магистрлик диссертациясининг қисқача аннотацияси икки тилда, яъни таълим тили ва инглиз тилида (2-илова);
- мундарижа (3-илова);
- кириш (4-илова);
- асосий қисм (5-илова);
- хулоса ва таклифлар (6-илова);
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати (7-илова);
- иловалар (8-илова).

1.5. Магистрлик диссертациясини расмийлаштириш юзасидан қўйиладиган талаблар

Магистрлик диссертацияси матни 70-80 саҳифадан ошмаслиги керак (титул варақ, мундарижа, фойдаланилган адабиётлар рўй-хати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалар кўрсатилган ҳажмга киритилмайди). Магистрлик диссертацияси матни А4 форматдаги қоғоз вара-

ғининг бир томонида жойлашиши ва қоида тариқасида, стандарт варақ 1,5 қатор оралиғида ёзилиши, ҳар бир бет: юқоридан ва пастдан 2 см; чапдан 3 см; ўнгдан 1,5 см ҳошияга эга; хатбошилар орасидаги оралик - 4-5 белгили ёки 1,25 см ва бир хилда бўлиши лозим. Магистрлик диссертацияси матнини Microsoft Word матнли редакторида Times New Roman, 14 шрифтида ёзиш тавсия этилади. Магистрлик диссертациясининг бетлари титул варағи (1) ва мундарижа (2)дан бошлаб саналади. Аммо, титул варағига - 1 ва мундарижага - 2 рақамлари қўйилмайди. Магистрлик диссертация-си бетлари рақами, унинг кириш қисмидан, яъни 3 рақамидан бошланади ва мазкур бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўрта қисмида келтирилади, унинг охириги варағигача изчил кетма-кет-ликда рақамланади.

Магистрлик диссертациясининг таркибий қисмлари, яъни ти-тул варағи, мундарижаси, кириш, ҳар бир боби, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар қисми янги бетдан расмий-лаштирилади. Диссертация таркибий қисмларининг бош сарлавҳа-лари (Мундарижа, Кириш, Хулоса ва таклифлар, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати, Илова) бош ҳарфларда ёзилади.

Диссертациянинг титул варағини намунага мос равишда рас-мийлаштириш талаб этилади.

Диссертациянинг боблари рим рақамлари билан I боб, II боб, III боб тарзида рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар эса, бобларга мос равишда 1.1, 1.2, 1.3 ёки 2.1, 2.2, 2.3

тарзида араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Ҳар бир боб ва параграф сарлавҳаларининг юқори ва пастки қисмидан 12 ўлчамли (12 пт) оралик қолдирилиши керак.

Диссертация матнида фойдаланилган адабиётдан олинган би-ринчи ҳавола, яъни иқтибос у жойлашган бетнинг пастки қисмида 1

рақамида (1-матн юқорисидаги белги тарзида) келтирилади. Кейинги иқтибос ҳам шу тариқа кетма-кетликда рақамланади. Иқтибос матнини Microsoft Word матнли редакторида Times New Roman, 9шрифтида келтирилиши тавсия этилади. Магистрлик диссертациясида келтирилган сурат, график, чиз-ма, диаграмма ва шу кабилар расм сўзи билан ифодаланиб, улар матнда қулай тарзда жойлаштирилиши лозим. Расмлар диссертация боблари тартиб рақами кўрсатилган ҳолда кетма-кетликда кел-тирилади (масалан: 1.1-расм, 1.2-расм ва шу тарзида) расмнинг тартиб рақами ва номи унинг пастки қисмида жойлаштирилади (диссертациянинг иловаларда келтирилган расмлар бундан мустас-но). Расмга изоҳ берилиши, унинг манбаси келтирилиши талаб этилади. Диссертацияда статистик материаллар жадвал кўринишида расмийлаштирилиши мумкин. Жадваллар тегишли боблар тартиб рақами

кўрсатилган ҳолда кетма-кетликда (масалан: 1.1-жадвал, 1.2-жадвал ва шу тарзда) жадвалнинг юқори ўнг бурчак қисмида, жадвалнинг номи келтирилган ҳолда унинг юқори қисмида жой-лаштирилади. Жадвал ва расмлар бир варақдан ошиб кетмаслиги лозим. Агар ҳажми бир варақдан ошадиган бўлса, уни иловада акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Диссертация матнида формула мавжуд бўлса, унда катта ва кичик ҳарфлар, юқори ва пастки индекслар “Microsoft Word” матн редакторининг “Формула” функцияси ёрдамида аниқ келтирилиши шарт. Формула ва тегишли материал “LaTeX” форматида берилиши мумкин. Формулада белгиларнинг ўлчами ифодаланиши кўйидагича бажарилиши тавсия этилади:

- катта ҳарфлар ва рақамлар 5-6 мм;
- кичик ҳарфлар 3 мм. дан кам бўлмаган кўринишда;
- даража кўрсаткичлари ва индекслари 2 мм.дан кам бўлмаган ҳажмда.

Формула белгиларининг изоҳи бевосита унинг кўйи қисмида формуладаги уларнинг кетма-кетлиги бўйича келтирилади. Фор-мула белгиларининг маънолари биринчи қатори бунда сўзи билан икки нуқтасиз бошланади. Ҳар бир белгининг маъноси янги қа-тордан бошланиши лозим. Формулалар матнда алоҳида бўш қаторлар билан ажратиб ёзилади. Ҳар бир формуланинг юқори ва пастки томонларидан 12 ўлчамли (12 пт) оралик қолдирилиши талаб этилади. Формула битта қаторга сиғмаган ҳолда сиғмаган қисми тенг-лик белгиси “=” ёки кўшиш “+”, айириш “-”, кўпайтириш “х” ва бўлиш “:” белгиларидан кейин кўчирилиши керак. Ҳар бир формула, у жойлашган боб тартиб рақами кўрсатилган ҳолда кетма-кетликда, масалан: (1.1), (1.2) ва шу каби тарзда формуланинг ўнг томонида қавс ичида келтирилади. Диссертация матнида фойдаланилган расм, жадвал ёки фор-мулага ҳавола қавс ичида, тегишли расм, жадвал ёки формула жой-лашган боб масалан: (1.1), (1.2) ва шу каби тарзда тартиб рақами (белгиси) кўрсатилган ҳолда “қаранг сўзи” қўлланилади. Диссертация матнида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси, исм-шарифи ҳамда ташкилот ва маҳсулотларнинг номлари ва бошқа атоқли отлар ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Диссертациянинг иловалари алоҳида бетларда кетма-кетликда (масалан: 1-илова, 2-илова ва шу тарзда) ифодаланади. Ҳар бир иловага диссертация таркибида иқтибос келтириб ўтилган бўлиши лозим.

1.6. Магистрлик диссертациясига илмий раҳбар хулосаси, ички ва ташқи тақризларга қўйиладиган талаблар

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбар хулосаси, ички ҳамда ташқи тақриз талаб этилади. Ички ва ташқи тақризчиларни олий таълим муассасасининг тегишли мутахассислик кафедраси тавсия этади ва уларнинг рўйхати илмий ишлар бўйича проректор томонидан тасдиқланади. Тақризлар,

айнан ажратиб кўрсатилган ҳолда мантиқий кетма-кетликда қуйидагиларни ўзида акс эттириши тавсия этилади:

Илмий раҳбар хулосаси:

- диссертация мавзусининг долзарблиги;
- диссертация мавзусининг тадқиқот объекти билан ўзаро боғлиқлик даражаси;
- тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ёритилиш даражаси;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- тадқиқот натижаларининг илмий асосланганлиги;
- изланиш натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва таклиф-ларнинг эътиборга моликлиги;
- магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаб ва мутахас-сисликка мослиги кабиларни ўзида акс эттириш зарур.

Ички ва ташқи тақризлар:

- мавзунинг долзарблиги;
- диссертациянинг илмий янгилиги;
- амалий натижаларнинг асосланганлиги;
- тадқиқотнинг амалий аҳамияти;
- тадқиқотнинг мазмуни ҳамда тугалланганлик даражаси;
- маълумотлар ва матнни баён этиш тили ҳамда услуби;
- тадқиқотнинг илмий-амалий қиймати;
- магистрлик диссертациясининг олдига қўйиладиган талаблар ва магистратура мутахасислигига мослиги каби масалаларни ёри-тиши мақсадга мувофиқдир.

Магистрлик диссертацияси белгиланган талабларга мос кел-маган ҳолатларда, магистратура талабаси томонидан касб одоб-ахлоқи қоидалари (плагиат, маълумотларни сохталаштириш, ёлғон цитата келтириш ва бошқалар) бузилганлиги аниқланган тақдирда, шунингдек, ушбу ҳолатларни қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганда тақризчи магистрлик диссертациясини ҳимояга қўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради.

Ички ва ташқи тақризлар, илмий маслаҳатчи тайинланган бўл-са, унинг хулосаси диссертациянинг дастлабки ҳимоя санасидан камида 3(уч) кун олдин ёзма шаклда берилиши лозим. Магистрлик диссертацияси талаб даражасида расмийлаштирилган ҳолда илмий раҳбар хулосаси, ички ва ташқи тақризлар билан биргаликда мутахасислик кафедрасига топширилади.

Илмий ишлар бўйича проректор розилиги асосида чет тилида тайёрланган магистрлик диссертациясига давлат тилида ёзилган 10-12 бетлик аннотация илова этилади.

II. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНING ДАСТЛАБКИ ВА РАСМИЙ ҲИМОЯСИ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида магистрлар тайёрлашни ташкил этиш “Магистратура тўғрисидаги Низом”нинг 1-илоvasида келтирилган схеманинг VIII босқичида магистрлик диссертациясининг дастлабки ва расмий ҳимояси (жад-вал асосида босқичма-босқич амалга оширилиши) қатъий белгиланган.

2.1. Магистрлик диссертациясининг дастла бки ҳимояси

Магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида кафедрада шакллантирилган комиссия олдида амалга оширилади. Магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимоясига бошқа кафедралардан, шунингдек, кадрлар истеъмолчилари бўлган ташкилотлардан мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

Дастлабки ҳимояга қадар магистратура талабаси ички ва ташқи тақризлар ҳамда илмий раҳбар хулосасини олиши, шунингдек, магистрлик диссертацияси мавзусига доир маълумотлар ёритилган камида 2 (икки) ва ундан кўп илмий мақола ёки тезисни чоп этган бўлиши керак.

Магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси босқичма-босқич (масалан боблар кесимида) магистратура талабасининг календарь иш режасига мувофиқ белгиланган муддатларда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси якунида “расмий ҳимояга тавсия этилди” ёки “расмий ҳимояга тавсия этилмади” тарзидаги якуний хулоса кафедра йиғилиши баённомаси билан расмийлаштирилади.

Магистрлик диссертацияси ҳимояси олдидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (9-илова) талаб даражасида расмийлаштирилганлигини тегишли мутахассислик кафедраси муҳокама этади ва махсус жилдда Якуний Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилишини таъминлайди.

2.2. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси

Магистрлик диссертациясини расмий ҳимоя қилиш куни олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тасдиқланган жад-вал асосида белгиланади. Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси институтда шакллантирилган Якуний Давлат аттестация комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) томонидан ўтказилади.

Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимояси тақдимот ма-териаллари билан баён этилиши 30 дақиқадан ошмаслиги лозим.

Магистрлик диссертациясининг расмий ҳимоясида Якуний Давлат аттестацияси комиссияси аъзолари магистратура талабасини куйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

- магистрлик диссертацияси тадқиқот мавзусининг долзарб-лигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олиши;
- магистратура талабасининг тадқиқотга ва вазифаларни ҳал этишга мустақил ёндашуви;
- фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек, хорижий адабиётларнинг танқидий таҳлили тўлиқлиги ва чуқурлиги;
- тадқиқот усуллари амалиётда қўлланил ишининг асосланганлиги;
- олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалий аҳамияти;
- магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси дои-расида ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижаларни ривож-лантириш истиқболларини кўра билиш қобилияти;
- магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий қисм-ларидаги ўзаро мантиқий боғлиқликни кузата билиш малакаси.

Магистрлик диссертациясига “қоникарсиз” баҳо қўйилганда ёки у расмий ҳимояга қўйилмаган тақдирда магистратура талабаси кейинги 3 (уч) йил давомида уни қайта ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Магистрлик диссертациялари расмий ҳимояси натижалари олий таълим муассасаси кенгашида муҳокама этилади.

Ҳимоя қилинган магистрлик диссертациялари олий таълим муассасасида 3 (уч) йил давомида сақланади.

4-илова

Магистрлик диссертациясининг кириш қисми
(варақнинг юқорисида 2 см қолдирилган ҳолда)

КИРИШ

Магистрлик диссертациясининг кириш қисми куйида келтирилган :

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги;

Тадқиқот объекти ва предмети;

Тадқиқот мақсади ва вазифалари;

Илмий янгилиги;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили);

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи;

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;

Иш тузилмасининг тавсифи.

Юқоридаги бандлар кесимида мантиқий кетма-кетликда аниқ ва қисқа баён тарзда 3-8-саҳифаларда, жами 5 (беш) бет ҳажмида бўлиши лозим. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти асар-ларидан, шунингдек, иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмала-ридан мавзуга дахлдор ихтибослар келтирилиши мақсадга муво-фикдир. Масалан, Президентимиз таъкидлаганларидек, “...банклар энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади”

9

.

5-илова

Магистрлик диссертациясининг асосий қисми Магистрлик диссертациясининг асосий қисми 3 (уч) бобдан иборат бўлиши тавсия этилади.

Диссертациянинг асосий қисми боблар ҳажми ўзаро мута-носиб бўлиши талаб этилади ва улар мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларни:

-тадқиқот мавзусига тааллуқли манбалардан келтирилган наза-рий-амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлилини;

-тадқиқот методикаси ва ишнинг амалий қисми баёнини;

-тадқиқ этилаётган масалани ҳал этишда магистратура талаба-сининг шахсий ҳиссаси кўрсатилган ҳолда тадқиқотнинг асосий натижалари баёнини ўзида камраб олиши лозим. Диссертациянинг ҳар бир боби якунида тадқиқотнинг асосий натижалари юзасидан қисқа тарздаги хулоса ва тақлифлар келтирилади. Магистрлик диссертацияси асосий қисмининг боблар кесимидаги намунавий шакли (варақнинг юқорисида 2 см қолдирилган ҳолда)

**1-БОБ. МОНЕТАР СИЁСАТ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ЎСИШ
СУРЪАТЛАРИГА ТАЪСИРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ**

- 1.1. Монетар сиёсатни амалга оширишнинг замонавий инструментлари ва улардан фойдаланиш йўналишлари (жами 8-9 бет ҳажмида)
- 1.2. Жаҳон амалиётида монетар сиёсатни олиб боришни стратегик ва амалга оширишнинг тактик жиҳатлари (жами 8-9 бет ҳажмида)
- 1.3. Макроиқтисодий ўсишни таъминлашда монетар сиёсатни такомиллаштириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг амалий аҳамияти (жами 8-9 бет ҳажмида)

I боб бўйича хулоса

(диссертациянинг мазкур боби якунида, жами 0,5-1 бет ҳажмида) (варақнинг юқорисида 2 см қолдирилган ҳолда)

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
МОНЕТАР СИЁСАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ
СУРЪАТЛАРИГА ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ**

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсати ва унинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсири (жами 10-11 бет ҳажмида)
- 2.2. Монетар инструментлар ва монетар индикаторлар ўртасидаги алоқадорликнинг эконометрик таҳлили (жами 10- 11 бет ҳажмида)
- 2.3. Тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятига монетар индикаторларнинг таъсири (жами 10- 11 бет ҳажмида)

II боб бўйича хулоса (диссертациянинг мазкур боби якунида, жами 0,5-1 бет ҳажмида) (варақнинг юқорисида 2 см қолдирилган ҳолда)

**III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
МАРКАЗИЙ БАНК МОНЕТАР СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИ**

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини ошириш билан боғлиқ муаммолар (жами 7- 8 бет ҳажмида)
- 3.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсатининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини ошириш йўллари(жами 6-7 бет ҳажмида)

III боб бўйича хулоса

(диссертациянинг мазкур боби якунида, жами 0,5-1 бет ҳажмида)

6-илова

Магистрлик диссертациясининг хулоса қисми (варақнинг юқорисида 2 см қолдирилган ҳолда)

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

(жами 4 бет ҳажмида)

Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг якуний натижаси сифатида хулоса, таклиф-тавсиялар қисқа ва аниқ келтирилади.

Хулоса таҳририй жиҳатдан қисқа, мантиқан пухта ва аниқ ифодаланган бўлиши, бандланган (рақамланган) ҳолда ёритилиши (унинг ҳажми 4 (тўрт) саҳифадан ошмаслиги) лозим.

7-илова

Магистрлик диссертациясининг фойдаланилган адабиётлар рўйхати (варақнинг юқорисида 2 см қолдирилган ҳолда)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

10(қуйидаги бандлар кесимида варақлар сони чекланмаган, диссертация ҳажмига кирмайди)

Магистрлик диссертацияси якунида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади. Диссертацияда фойдаланилган материаллар манбаи, унинг муаллифи ва номи тўлиқ кўрсатилиши лозим. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати магистрлик диссертацияси матнида ҳавола қилинган барча илмий ва бошқа нашрлар рўйхати-дан иборат бўлиши керак. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати қуйидаги уч қисмдан иборат бўлади:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳо-миятга молик нашрлар Уларнинг рўйхати қуйидаги кетма-кетликка амал этилган ҳолда келтирилади: Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари, китоб ва туркум нашрлар (дарслик, ўқув қўлланмалар алифбо бўйича).

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар Уларнинг рўйхати қуйидаги кетма-кетликка амал этилган ҳолда алифбо бўйича келтирилади: диссертациялар авторефератлари, журнал ва газеталардаги мақолаларга ҳаволалар, хорижий илмий нашрлар, илмий ишлар ва конференция тўплам-ларига ҳаволалар.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар Уларнинг рўйхати қуйидаги кетма-кетликка амал этилган ҳолда алифбо бўйича келтирилади: статистика ва ҳисобот материаллари, интернет сайтлари.

Магистрлик диссертациясида фойдаланилмаган ва ҳавола қилинмаган адабиётларни рўйхатга киритишга йўл қўйилмайди. Магистрлик диссертациясининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг намуна шакли

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар
- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида.//Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. -тўлдирилган 2 чи наشري. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. -Б. 30-47.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Рес-публикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// www.lex.uz
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқа-ришига нисбатан кўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 216-модда; 2016 й., 16-сон, 161-модда).//www.lex.uz
- 1.4. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўз-бекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш танта-нали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўш-ма мажлисидаги нутқ./Ш.М. Мирзиёев Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -56 б.
- 1.5. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаол-иятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. -104 б.
- 1.6. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. Мазкур китоб-дан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. /Ш.М.Мирзиёев. -Тошкент: : «Ўзбекистон», 2017. -488 б.п
- II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар
- 2.1. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. Монография, Тошкент: “FAN VA TECHNOLOGIYA” 2017. 184 б.

- 2.2. Махмудов Н.М., Ҳақимов Ҳ.А. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш - барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартлари //Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2017. –№ 2. – Б. 7-11.
- 2.3. Монетар сиёсат ҳақидаги маърузалар. Монетар сиёсат-нинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. //http://m.cbu.uzn

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

3.. Интернет сайтлари.- <http://www.sbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

8-илова

Магистрлик диссертациясининг иловаси (варақнинг юқорисида 2 см қолдирилган ҳолда)

ИЛОВАЛАР

(ҳажми диссертация умумий ҳажмининг 1/3 (учдан бир) қисмидан ошмаслиги белгиланган)

Магистрлик диссертациясининг иловалари унинг асосий матни билан бирга битта жилдга жамланган шаклида расмийлаштирилади. Иловаларга магистрлик диссертацияси матнини тўлдирадиган ёрдамчи материаллар киритилади. Иловаларнинг кетма-кетлиги диссертация матнида уларга ҳавола қилиш тартибига мос бўлиши лозим.